

Имом-хатибларнинг қироатларини сайқаллаш бўйича ҳайъат тузилди



18:24 / 07.08.2023 1550

Бугун, 7 август куни Ўзбекистон мусулмонлари идораси «Қуръон ва тажвидни ўргатиш» бўлимида имом-хатибларнинг қироатини сайқаллаш бўйича йиғилиш ўтказилди.

Мазкур йиғилишда бўлим мудирини шайх Алижон қори бошчилигида бир гуруҳ устозлар иштирок этиб, қироат устозларидан иборат ҳайъат тузилди. Ҳайъат аъзолари Республикада фаолият юритаётган имом-хатиб ва имом ноибларнинг қироат ва тажвид борасидаги билимларини назорат қилиб борадилар.

Йиғилиш давомида имом-хатибларнинг қироати ва тажвид бўйича малакаларини ошириш масаласи атрофлича муҳокама қилиниб, вазифалар белгилаб олинди.

Аввалроқ юртимизда илк бор имом-хатиблар учун тажвид дарслари ташкил этилиши ҳақида маълум қилинган эди.



